# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан ҳукуматингиз ва халқингизга Сингапур ҳукумати ва халқи номидан самимий қутловлар ҳамда мамлакатингиз ва халқингизнинг фаровонлиги йўлида иқтисодий ўсиш, равнақ ва тараққиётга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилаб билдирган энг эзгу истакларни йўллаш менга ғоят мамнуният бахш этади.

**С.Р.НАТАН,**
**Сингапур Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Лаос халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва ўзбек халқига ғоят қизғин қутловларимни ҳамда энг эзгу тилакларимни йўллашни истардим.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва муваффақиятли ҳамкорлик бундан буён ҳам лаос ҳамда ўзбек халқлари ва тинчлик манфаатлари йўлида ривожланиб бораверишига ишонаман.

Камоли эҳтиром ила,

**Кхамтай СИПХАНДОН,**
**Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Сизни мамлакатингиз Мустақиллиги байрами муносабати билан Гвинея халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан қизғин муборакбод этиш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ тилайман ҳамда эзгу истакларим ва юксак эҳтиромларимни изҳор этаман.

**Генерал Лансана КОНТЕ,**
**Гвинея Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Гамбия ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга самимий табриклар йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ҳамда Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

**Яҳъё ЖАММЕҲ,**
**Гамбия Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига Тунис халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар ва эзгу тилакларни йўллаб, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига бардавом ривож ва тараққиёт тилайман.

Ушбу саодатли фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига халқларимиз манфаати йўлида мавжуд дўстона алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга доимо интилишимизни изҳор этмоқчиман.

**Зайн ал-Обидин бин АЛИ,**
**Тунис Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Дўст мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сизга шахсан ўз номимдан ва Ливия Араб Халқ Социалистик Буюк Жамоҳирияси халқи номидан самимий қутловлар ҳамда шахсан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

**Полковник Муаммар ҚАЗЗОФИЙ,**
**1 сентябр - Улуғ Ал-Фатх Инқилоби Раҳбари.**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

# ИШЧИ ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида мазкур ишчи гуруҳ фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган ушбу мажлисда мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантиришга ўтишни ташкил этиш ҳамда фуқаролик жамияти ривожини қўллаб-қувватловчи қонунчилик асосларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Миллий марказ директори, ишчи гуруҳ раҳбари А.Саидов мажлисни очар экан, Юртбошимиз томонидан парламентнинг охирги сессиясида мамлакатимизда янада демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилгани, ўз навбатида, тараққиётимизнинг ана шу янги босқичи жамиятимизни демократлаштириш жабҳасидаги истиқболдаги фаолиятни изчил такомиллаштиришни тақозо этаётганини таъкидлади.

Жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ. Бунда сиёсий партия ва ҳаракатларнинг ўз фаолиятини жонлантириши, юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳити қарор топиши, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Айни чоғда, Олий Мажлисни икки палатали қилиб ташкил этиш, қуйи палатага асосан партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки беради.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш ҳам, мажлисда қайд этилганидек, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор шартларидан бўлиб, бу жараён ижтимоий-иқтисодий фаолият билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириб бориш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказишни тақозо этади.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар муҳокамасида ишчи гуруҳ аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги институти ва айрим ноҳукумат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва олимлар иштирок этди.

**(ЎзА).**



**Пойтахтимиздаги "Юлдуз" акциядорлик жамиятида эркаклар, аёллар ва болаларнинг устки кийимлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда мутахассис кадрлар, ишчиларга қулай шарт-шароит яратишга катта эътибор берилаётир. Натижа чакки бўлмаяпти. Ҳозирда "Юлдуз" тамғаси билан чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда. Бунда Назира Жўраева, Заҳро Қурбонова сингари қўли гул чеварларнинг ҳиссаси бор.**

***СУРАТДА: корхонанинг ишлаб чиқариш ва режалаштириш бўлими бошлиғи Фотима Маҳмудова, тикувчилар Назира Жўраева ва Заҳро Қурбонова иш устида.***

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# Олисларга интилган дарё

*Олис манзилларни кўзлаб бораётган карвон бир лаҳза тин олиб, босиб ўтган йўлига назар ташлаши бор. Хайрли ишга бел боғлаган одам адо этган юмушларини бир карра сарҳисоб қилиб, эртанги режаларини белгилаб олади.*

*Мамлакатимиз Парламентининг яқинда бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида Юртбошимиз сўзлаган маърузани ўқиган киши айнан шундай манзарани кузатади. Маърузада босиб ўтган ўн бир йиллик йўлимиз, кеча қилинган, бугун қилинаётган ва эртага қилиниши лозим бўлган юмушлар баён этилган.*

*Давлатимиз раҳбари таъкидлаган устувор йўналишлардан биттаси — оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш ҳақида бир қадар тўхталиб ўтишни истардим. Кейинги ўн бир йил ичида бу борада қандай юмушлар амалга оширилди-ю, нималар ҳал бўлмади? Нималарга эришдиг-у, нималар эътибордан четда қолди?*

Энг аввал кўзга ташланадиган натижа шуки, мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари мисли кўрилмаган даражада кўпайди. «Деҳқонча»роқ қилиб айтадиган бўлсак, «эринмаган» одам борки, газета, журнал, теле ёки радиоканал очиши мумкин. 1991 йили Ўзбекистонда 351 та оммавий ахборот воситаси бўлса, ҳозир уларнинг сони 723 тага етди. Ўшанда 289 та газета нашр этилган бўлса, бугун 600 га яқин газета чиқяпти. Журналлар сони 60 тадан 165 тага етди. 1991 йили фақат битта телерадиокомпания бўлса, ҳозир 70 та телерадиостудия бор. Уларнинг кўпчилиги нодавлат, мустақил, тармоқ, хусусий, реклама йўсинидаги студиялар, газета ва журналлардир. Ўн бир йил аввал нашриётлар сони 14 та бўлса, ҳозир 60 тага етди. Бундан ташқари турли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар ҳузуридаги ҳамда қўшма ва кичик корхоналар ҳисобланмиш босмахоналар сони 600 дан ошди. Устига устак кўплаб чет эл телерадио каналлари мамлакатимизга ўз кўрсатув ва эшиттиришларини узатаётгани, бошқа давлатлардан ўнлаб газета ва журналлар кириб келаётгани, талай ахборот агентликлари, интернет тармоғи, электрон почталар, факслардан кириб келаётган ахборотларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, фуқаролар ҳам, жамият ҳам амалда чексиз ахборотлар оқими орасида қолганини кўрамиз.

Йигирма биринчи аср — ахборотлар асри. Қолаверса, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан бир сафда бораётган мамлакат. Оммавий ахборот воситалари кўп бўлса, фикр ранг-баранглиги, соғлом рақобат муҳити пайдо бўлади. Шу билан бирга бундай вазият ҳар бир фуқаронинг ҳаққоний, соғлом, тезкор ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш ва фойдаланишга бўлган ҳуқуқининг қонуний асосларини яратишни тақозо этади. Шахсан мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси шу ниятда яратилди. Қонун биринчи ўқишда қабул қилинди, матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамасига тавсия этилади. Кўпчилик фикри билан яна мукаммаллаштирилади. Қонун лойиҳаси яратилишидан олдинроқ мамлакатимиз журналистлари учун яна бир муҳим (айтиш мумкинки, жуда муҳим) воқеа бўлган эди. Ўзбекистонда матбуотга тазйиқ қилишнинг ҳар қандай кўриниши қатъиян йўқ қилинди. Мамлакатимиз Президентининг 3 июль Фармонида бу масалага кескин ва якунловчи нуқта қўйилди. Унда узил-кесил тарзда бундай деб таъкидланган. «Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига цензура, таҳлил қилиш, тақиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда ғайриқонуний аралашиш қатъиян ман этилади». Журналистлар бу Фармонни чуқур мамнуният билан кутиб олганига шубҳа йўқ.

Ҳамма нарса қиёсда билинади. Бир эслаб кўрайлик, шўро замонида аҳвол қандай эди? Мустабид тузумнинг тақиқловчи машиналари шу қадар кучли эдики, ёнига йўлаш амримаҳол эди. Ҳатто одам ўзининг одам эканини исботлаш учун ҳам талай тўсиқлардан ўтишга мажбур бўларди. Масалан, оддий фуқаро фалончи пистончиев ҳақиқатан ҳам фалон йили туғилган, фалон манзилда истиқомат қилади, деган «қимматбаҳо» справкани эсономон қўлга киритиши учун бир неча соатлаб, ҳатто бир неча кунлаб овора бўлиши табиий ҳол эди. Ҳар бир чорраҳага «Она Ватанга олти миллион тонна «оқ олтин» армуғон этамиз!» деган шиор илиб қўйиларди-ю, ўша олти миллион тонна «оқ олтин»нинг қанчаси қаерга кетаяпти деб сўраш мумкин эмасди. Бу давлат сири ҳисобланар эди. Мухбир бирон райком котиби билан телевизорда чиқиш қилиши ёки газетага мақола ёзиши учун, аввало, энг камида «обком бува»дан рухсати олий олиши, ўшанда ҳам қайси «райком бува» билан суҳбат қуришни, нима саволлар беришни-ю, нимани сўрамасликни олдиндан келишиб олиши шарт қилиб қўйиларди. Охир оқибат мақола ёки суҳбатни не умидлар билан тайёрлаган журналист «думи юлинган товуқ» билан қоларди. «Инспекция» дейдими, «лит»ми, нима деб аталишидан қатъи назар, амалда цензура деган бало ҳар кимнинг бошида тўқмоқ ўқталиб турар эди.

Албатта, манаман деган демократик мамлакатда ҳам давлат сирларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ман этилган сирларни сақлашни таъминлайдиган ташкилотлар бор. Бироқ шўро замонида гоҳо шундай ҳангомалар бўлардики, эсласанг, кулишни ҳам билмайсан, хафа бўлишни ҳам. Масалан, бир журналда оқшомнинг гўзал манзараси тасвирланган сурат остига «Қуёш ботаяпти» деб сарлавҳа қўйилган бўлса, «лит» бағоят «мантиқли» ишкал топади. «Нега энди айнан қуёш ботишини пропаганда қиляпсиз? Нимага шама қилмоқчисиз?» «Юртимизга қоронғулик чўкяпти демоқчимисиз?» Айнан ўша сурат тагига «Қуёш чиқаяпти» деб ёзиб қўйсангиз, «лит» амаки хурсанд бўлади. «Мана бу — бошқа гап!» «Салла ол, деса, каллани узиб келадиган» бундай одатлар оқаваси кейин ҳам давом этгани сир эмас. «Шарқ Юлдузи» журналидаги асарлардан бирида «турли-туман» деган сўзга ёпишиб олишгани эсимда. «Ҳой, барака топкур, бу сўзнинг нимаси ёмон», десангиз, жавоб тайёр. «Турли дегани ҳар хил дегани, туман дегани эса районни англатади!». Журналистлардан сўрасангиз, бундай хангомалардан анчасини айтиб бериши мумкин...

Матбуот ва телерадио соҳасига кейинги йилларда кириб келган ва ҳозир оммавий ахборот воситаларида ишлаётган истеъдодли ёш журналистларга бу гаплар афсонадек туюлиши мумкин. Чунки улар кези келса шахсан давлатимиз раҳбарига мурожаат қилиб, ўзини қизиқтирган масала бўйича ахборот олиши мумкин. Ҳар сафар Олий Мажлис сессиясининг танаффусида Президент атрофини ўнлаб журналистлар ўраб олади. Чет эл ахборот воситаларининг мухбирлари ҳам, ўзимизнинг журналистлар ҳам кўплаб саволларга атрофлича жавоб олади. Бу — одат тусига кирган.

Бугунги кунга келиб ахборот деган тушунчанинг қамрови ҳам, маъноси ҳам бениҳоя кенгайди. Ахборот дегани ҳар куни кечқурун телевизорда кўрсатиладиган хабарлар ёки газетада босиладиган мақолалардангина иборат эмас. Шу боисдан ҳам «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда ҳаётимизга кейинги йилларда кириб келган «ахборот мулкдори», «ахборот эгаси», «ахборот ресурслари» сингари талай тушунчаларга батафсил изоҳ берилган. «Ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги» деб номланган моддада давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ахборот воситаларига жамият манфаатлари нуқтаи назаридан аҳамиятли воқеалар ва фактлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабар бериши шарт қилиб қўйилган. Қонундаги «Ахборот эркинлиги», «Ахборотни ҳамма олиши мумкинлиги ва ҳаққонийлиги», «Ахборот эркинлиги кафолатлари» деган моддаларнинг номиёқ гап нима ҳақида кетаётганини англатади.

Шу тариқа янги Қонун фақат оммавий ахборот воситалари ходимларининг эмас, умуман барча ташкилот ва фуқароларнинг ҳам ўзини қизиқтирган ахборотларни монеликсиз олиши учун дарвозаларни кенг очиб беришга қаратилган. Алалхусус цензура батамом йўқ қилинди. Мурод ҳосил бўлди. Ахборот эркинлигининг ҳуқуқий замини бор. Агар шу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, баъзи саволларни ўзимиздан сўрашимизга тўғри келади. Ҳў-ў-ўш, шундай экан, нима учун газета саҳифаларида одамлар чиппа ёпишиб ўқийдиган мақолалар кам? Нима учун томошабинни ўзига оҳанрабодек тортиб оладиган телекўрсатувлар етарли эмас? Нима учун оддий фуқаро газета ва журналларда, телевидение ва радиода ўзини ўйлантирган саволларга етарли ва очиқ-ойдин жавоб тополмайди?

Бу саволга ҳам жавобни Президентимиз маърузасидан топиш мумкин. «Шуни очиқ айтишимиз керакки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вақтлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг ҳали-бери бу ҳолатдан чиқиши, аввало психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмоқда. Шу сабабли улар ўзи учун янги бўлган ҳозирги вазиятда баъзан ҳали ҳам нима қилиш ёки нима қилмаслик ҳақида юқоридан кўрсатма кутиб ўтиргандек кўринади».

Юртбошининг бу фикри айни ҳақиқат эканлигини журналист дўстларимиз эътироф этмоқлари керак. Ўзим ҳам узоқ йиллар шу соҳада ишлаган одам сифатида газетачи меҳнати ниҳоятда оғир эканини биламан. «Тошкент оқшоми»да айрим порахўр ва тамагир врачлар ҳақида мақола ёзиб горком бюросида «калтак» еганим, Аҳмад Яссавий ижоди ҳақида саҳифа эълон қилингани учун ишдан ҳайдалишимга бир бахя қолгани ҳамон ёдимда. Ҳар қандай цензура бекор қилинмасин, ўзининг «ички цензураси»дан қўрқиб турадиган газетачилар, радио ва телевидение ходимлари йўқ эмас ва уларнинг кўнглида ҳамон ўша ҳадиклар ўтирибди.

Шу ҳолатга боғлиқ бўлган бошқа сабаб ҳам бор гап. Газета бош муҳаррири, телерадио раҳбарлари бирон танқидий чиқиш қилиб қолса, эрталабдан хонасига юраги пўкиллаб кириши ҳам бор гап. Кеча танқид қилинган каттами-кичик мансабдорнинг ўзи, ўзи бўлмаса ундан ҳам каттароқ тоғаси, амаки ёки холаси «танқид қилишга шундан бошқа одам қуриб қолганми, сен бутун бошли туманни (баъзан вилоятни) шарманда қилдингку», деб дағдаға қиладиган холлар ҳамон йўқ эмас. Қаранг, бир шахс шаънига айтилган танқидий фикр бутун бошли туманга (ҳатто вилоятга) «доғ» тушираркан! Ростини айтганда, танқидга бундай муросасиз муносабатнинг илдизи ҳам яна ўша мустабид тузум замонига бориб тақалади. Ўша пайтлар биров «Муштум»да танқид қилинса, «бечорага жабр бўпти-да, бола-чақаси бор эди», деб ҳамдардлик билдирар эдилар. Негаки газета ёки журналда «урилган» одам камида партиядан ўчирилар, бўлмаса қамалар эди. Худога шукр, замонлар ўзгарди, Мустақилликнинг ўз қонун-қоидалари бор, бировнинг ишини танқид қилиш унинг ўзини йўқотишни англатмайди, десангиз, тушунгандек бўлишади-ю, барибир кўнглида иштибоҳ қолади.

Иштибоҳ қилишининг бошқа сабаби ҳам бор. Бу бевосита оммавий ахборотдан фойдаланувчининг, яъни газетхон, телетомошабин, радио тингловчининг психологиясига боғлиқ. Кимдир танқид қилинса, масаланинг тагини ўйлаб ўтирмасдан, ростки газитда «урилибдими», бир балоси бор-ов, деб шоша-пиша хулоса чиқарадиганлар ҳалиям оз эмас.

Оммавий ахборот воситалари замон талабидан бир қадар орқада қолаётганининг тағин бир сабаби — малакали кадрлар камлигида деб ўйлайман. Албатта, бизда билимдон, истеъдодли, жонкуяр журналистлар кўп. Лекин мутахассис журналистлар оз. Оммавий ахборот воситаларининг ходимлари ҳамма мавзуда ёзади ёки кўрсатув тайёрлайди. Бу-ку ёмонмас, аммо одам ҳамма нарсани мукаммал билиши мумкин эмас ва билолмайди ҳам. Шу боисдан ихтисослашган журналистлар — иқтисодчи-журналист, врач-журналист, ҳуқуқшунос журналист, муҳандис-журналистлар қанча кўп бўлса, шунча яхши бўларди. Ҳозир бир қатор оммавий ахборот воситаси ходимлари иккинчи мутахассисликка ўқиётгани бежиз эмас ва менимча уларнинг бу интилишини ҳар ёқлама қўллаб-қувватлаш зарур.

Ва ниҳоят, ҳарчанд оғир бўлса-да, яна бир иллатни айтишга мажбурман. Ўз бурчини сидқидилдан адо этиб, нонини ҳалоллаб ейдиган минглаб журналистлар мени кечирсин-у, улар орасида оммавий ахборот воситасидан ўзининг шахсий адоватли мақсадида фойдаланадиганлари ҳам бор. Бундайлар биров қилган мингта яхши ишдан кўз юмади-да, филдек фазилатни эмас, қилдек нуқсонни топиб олиб, «дўмбира» қилади. Бунинг номи қилдан қийиқ ахтариш, хусумат деб аталади. Оммавий ахборот воситалари ходимлари орасида битта шундайи бўлса ҳам ортиқчадир! Улар минглаб заҳматкашлар обрўсига путур етказади.

Сўзнинг қудрати улуғ. Гоҳо бир оғиз сўз билан бир инсон қисматини обод қилиш ҳам, барбод қилиш ҳам мумкин. Айниқса, матбуотда айтилган сўз билан. Негаки бирон даврада айтилган сўзни ўн киши, мажлисдаги сўзни юз киши эшитса, газетада ёзилганни ўн минглаб, телевизорда айтилгани миллионлаб одамларга етиб боради.

Оммавий ахборотда ишлайдиган кишининг қўли ҳам, дили ҳам пок бўлиши, нияти холис бўлмоғи лозим. Шу боисдан мазкур Қонунда оммавий ахборот воситалари ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг ҳаққонийлигини текшириб кўришлари шартлиги ва унинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар эканликлари таъкидланган. Бу ўринда ҳамма юкни фақат таҳририятга ташлаб қўймай, масъулиятнинг бир чеккасини таъсис этувчи ҳам ўз зиммасига олишига тўғри келади. Зеро, оммавий ахборот воситалари замон талабидан орқароқда экан, муассислар ҳам шунчаки кузатувчи бўлиб туролмайди. Ҳали айтилганидек, бугунги кунда ҳар бир шахс газета, журнал, телерадиоканалга муассис бўлиши мумкин. Бу — унинг қонуний ҳуқуқи. Шу билан бирга газета чиқарган, хусусий телеканал очган одам ўз тасарруфидаги газетада нималар чиқяпти, телеканалда нималар намойиш қилиняпти, буёғини ҳам ўйлаши керак. Шунақа телеканаллар борки, томоша қилсангиз, маънавиятингиз юксалиш ўрнига ўтмаслашади. Бундан бир неча йил аввал вилоятлардан бирида очилган шундай телеканаллардан бирининг томошасини кўриб ҳайрон қолганман. Аввал эфирга аллақандай пала-партиш ахборот чиқади. Сўнг бирдан «индийский кино» бошланади. Унинг ҳам ярим-ёртиси ўтар-ўтмас, футбол бошланиб қолади... Сўнг... реклама ҳазратлари! Бир мисол. «Ширин-шакар қизалоқ Лолахон Фалончиева олти ёшга тўлдилар!». Атлас кўйлак кийган, сочига бантик таққан қизалоқ чопқиллаб юрибди. Отаси қутлайди, онаси табриклайди, холаси дуо қилади... Майли, ҳаммаси яхши. Сўнг диктор тантана билан эълон қилади. «Энди юбилярларимизга атаб қўшиқ эшиттирамиз!». Экранда полвонкелбат киши пайдо бўлади ва рубобни чертиб қўшиқ бошлайди: «Бевафолар кўпдир дунёда!». Қизиқ, олти яшар қизалоқнинг дунёда бевафолар кўп ёки камлиги билан неча пуллик иши бор?! Афсуски, турли йўналишдаги нашрлар орасида ҳам савияси паст, таҳлилсиз мақолалар эълон қилинадиган, нашр сифати қониқарсиз газеталар оз эмас. Ўша мақолаларни ўқишга, ҳатто таҳририят ходимларининг холидан хабар олишга вақт тополмайдиган муассислар ҳам бор. Улар телеканал очиш, газета чиқариш нақадар масъулиятли юмуш эканлигини унутмасалар яхши бўларди.

Инсон учун энг табиий интилишлардан бири — Эрк саналади. Одамзот табиатан эркин бўлишга ҳаракат қилади. Сўз эрки, виждон эрки, меҳнат эрки ва яна турфа хил эрклар ҳақидаги тушунчалар қонун даражасига айлангани бежиз эмас. Лекин чексиз ва мутлоқ эрк бўлиши мумкинми? Одамга чексиз сўз эрки, яъни хоҳлаган гапини хоҳлаганча айтавериш, хоҳлаган фикрини туҳматми, ёлғонми, бўҳтонми, хоҳлаганча ёзиб тарқатиш ҳуқуқини бериш мумкинми? Умуман, дунёда ҳар қандай чегарани инкор этиб, чексиз имконият эгаси бўлишга ҳақли ким бор? Нима бор? Бу саволга жавобни одамдан эмас, оламнинг ўзидан излаб кўрайлик.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Нима учун Ер курраси Қуёш атрофида аниқ белгилаб қўйилган меҳвар бўйлаб айланади? Нима учун Ер Офтобга керагидан ортиқ бир қадам яқин ҳам бормайди, керагидан ортиқ бир қадам узоқлашиб ҳам кетмайди? Негаки, Қуёшга яқинлашса, ёниб, кулга айланади. Керагидан ортиқ узоқлашса, музлаб қолади! Нима учун Заминимиз ўз ўқи атрофида миллион йиллардан бери аниқ бир пайтда — йигирма тўрт соатда бир марта айланади? Бир сония кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас! Нега шундай? Бугун 24 соатда, эртага 25 соатда айланса нима бўлади? Ер ўз меҳваридан чиқиб охирзамон бўлади! Энди ўйлаб кўрайлик. Бу қонуниятларни, бу чегараларни ким яратган? Оллоҳ эмасми? Тангрининг ўзики, бутун оламни муайян чегарага солиб қўйган экан, нега энди одамзот чексиз эркни орзу қилиши керак? Мана шу оддий ҳақиқатдан келиб чиқсак жаҳондаги ҳамма давлатлар қонунларида «Ҳуқуқ» деган сўз билан «Мажбурият» деган сўз нима учун доимо ёнма-ён туришини англаймиз. Бу талаб шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ходимларига ҳам тааллуқли. Гап айланиб яна «оғизга қулф солиш», яъни эски усулдаги цензурага қайтиб келаётгани йўқ, масъулият устида боряпти. Зеро, демократия масаласида чўққига кўтарилган ҳар қандай мамлакат ҳам ўзининг ҳарбий, миллий, экологик ва бошқа хавфсизликлари қатори ахборот хавфсизлигини ҳам ҳимоя қилади. Бу — дунёнинг барча давлатлари учун бегона тушунча эмас.

Ахборот яхши ниятда фойдаланилса, яратувчи қуролга, ёмон ниятда фойдаланилса, кўпорувчи қуролга айланиши мумкин. Афсуски, ахборотни кўпорувчи қуролга айлантиришга уринадиган кучлар йўқ эмас. Мисол тарзида ўтган йил 11 сентябрь фожиасидан кейин бўлган воқеани эслаш жоиз. Ўшанда Ўзбекистон жаҳондаги мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб халқаро терроризмга қарши курашга қўшилишини баён этди. Бу — мамлакатимизнинг ҳам, Юртбошимизнинг ҳам обрўсини дунё миқёсида янада юқори поғонага кўтарди. Шундай масъулиятли паллада юртимизга тирноқ ичида «хайриҳоҳ» бўлган айрим оммавий ахборот воситалари ваҳимага тўла миш-мишлар тарқатдилар. Амударёнинг нариги бетида минглаб қуролланган толиблар шайланиб турибди, улар эртага Ўзбекистонга бостириб кирадилар, деган мазмунда бўҳтондан иборат ахборотни дунёга достон қилдилар. Албатта, Ўзбекистон халқи унча-мунча ёлғонга лаққа тушадиган даражада анойи эмас. Халқ ўз Ватанининг қадрини ҳам, Истиқлол баҳосини ҳам яхши билади. Лекин дунёда бизнинг юртимиз билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга шай турган ва ҳақиқий аҳволдан яхши хабардор бўлмаган давлатлар бундай хабарларни эшитиб, ташвишланиши, шубҳага тушиши мумкин. Ҳақиқат аён бўлиши учун Ўзбекистондаги чет эл ваколатхоналарининг ходимлари, чет эл ахборот агентликларининг мухбирлари Термизга таклиф этилди. Улар Ўзбекистон сарҳадида ҳеч қандай толиблар тўпланмагани, Сурхондарё аҳолиси тинч-осуда меҳнат билан банд эканлигини ўз кўзлари билан кўриб, хотиржам бўлдилар. Бир нодон қудуққа тош ташлаб юборса, уни олиб чиқиш учун юзта доно овора бўлади, деган гап бор. Бироқ бундай миш-мишларни шунчаки нодонлик ёки «ҳазил» деб баҳолаш соддалик бўлур эди. Бунинг номи атайлаб қилинган ахборот кўпорувчилиги дейилади ва биз бунақа ҳужумлардан фуқарони ҳам, давлатни ҳам ҳимоя қилишимиз зарур.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда ҳар кимнинг ўзини қизиқтирган ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, ва бошқа ҳуқуқларини асло чекламаган ҳолда қасддан ёлғон ахборот тарқатишдан, фуқаролар, жамият ва давлат хавфсизлигига дахл қилувчи ахборотлардан ҳимояланиш тушунчалари ҳам белгиланган. Бунинг сабаби оддий. Қуш қўш қанот билан учади. Ўнг қаноти лат еса ҳам, чап қаноти синса ҳам ерга қулаб, чил-парчин бўлади. Ҳар қандай дарёнинг ҳам қирғоғи иккита бўлади. Ўнг қирғоғи ўпирилиб тушса ҳам, чап қирғоғи емирилиб кетса ҳам фожиа рўй бериши муқаррар. Биринчидан, дарё кўзлаган манзилига етолмай қолади, иккинчидан, сув тошқинга айланиб, ҳаммаёқни вайрон қилади. Айнан шунинг учун қонунларда ҳуқуқ деган тушунча билан мажбурият деган сўз доим ёнма-ён юради. Агар қонун дарёсининг ҳуқуқ деган қирғоғи емирилса, тоталитаризм — мустабидлик ҳукмрон бўлади ва бундай жамият охир-оқибат цензурага юз тутади. Буни собиқ шўролар тажрибасида кўрдик. Шу билан бирга мажбурият деган қирғоқ қулаб тушса, оммавий бошбошдоқлик — анархия авжига чиқади ва бундай жамият бошига даҳшатли бўҳронлар ёғилади.

Янги аср бошида катта карвон йўлидан олисни кўзлаб бораётган Ватанимиз равнақи учун хизмат қилувчи заҳматкашлар — оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасида бир томондан Эркни, иккинчи томондан Масъулиятни ҳис этиб эл ишига камарбаста бўлиш вазифаси турибди. Бу борада дўстларимизга омад ва куч-қувват ёр бўлсин!

**Ўткир ХОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

